

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА НАЗОРАТСИЗЛИК ВА  
ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ УСТИДАН ПРОКУРОР  
НАЗОРАТИ ТУШУНЧАСИ, ХУСУСИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ.**

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

мустақил изланувчиси

**Эшмуродов Аббос Илёсович**

**Аннотация:** ушбу мақолада прокурор назорати, унинг тарихи, вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунчилик, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси устидан прокурор назорати тушунчаси, хусусияти ва заруратига фикрлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** прокурор, прокурор назорати, вояга етмаган, ўлим жазоси, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси.

**Аннотация:** В статье изложены мнения о прокурорском контроле, его истории, законодательстве о несовершеннолетних, понятии, сущности и необходимость прокурорского контроля за профилактикой правонарушений несовершеннолетних.

**Ключевые слова:** прокурор, прокурорский надзор, несовершеннолетние, смертная казнь, безнадзорность несовершеннолетних, профилактика правонарушений.

**Abstract:** This article presents opinions on prosecutor's control, its history, legislation minors, the concept, nature and necessity of prosecutor's control over the prevention of delinquency among minors.

**Keywords:** prosecutor, prosecutor supervision, juvenile, death penalty, lack of supervision among minors and prevention of delinquency

Барча даврларда ва давлатларда вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда унинг устидан назорат долзарб бўлиб келган.

Хусусан, диссертация иши мавзусига тааллуқли бўлганлиги учун дастлаб “**прокурор**” ва “**прокурор назорати**” тушунчалари ва тарихига тўхталиб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Лотин тилида “**procurator**” сўзининг ўзаги “**cura**” жумласи бўлиб, “ҳимоя, ғамхўрлик, кузатиш” маъноларини билдиради. XIII асрда француз тилига “**procureur**” талаффузида ўтган бўлиб, XVIII асрда француз тилидан поляк, кейинчалик рус тилига ўтиб, “**прокурор**” атамаси шаклланган.

Қадимга Рим империясида Октавиан Август (мил. ав. 64 йил–мил. 14 йил) конституцияси қабул қилинганга қадар прокурор лавозими расмий бўлмаган. Рим императорининг ҳар бир ҳудудда ўз прокуратори (ноиб) бўлиб, улар ўзларига бириктирилган ҳудудларда ишларнинг бориши ва тартиб-интизом ўрнатишга шахсан масъул бўлишган.

Тарихда расман **илк прокурорлик лавозими** XIII асрда Франция қирол Филипп IV томонидан жорий этилган.

Унинг қироллик даврида алоҳида Қонун билан 1302-йилда биринчи марта “Судлардаги қирол прокурорлари ҳақида”ги Низом тасдиқланган.

XVII аср охирига келиб, Францияда прокуратура прокурорлар томонидан раҳбарлик қилинадиган қудратли ташкилот сифатида шаклланган.

Кўриниб турибдики, дастлаб прокуратура институтининг вазифаси қило манфаатларини ҳимоя қилиш бўлган.

Прокуратура институти жамият ва давлатни бошқаришда ўзининг самарали натижасини берганлиги сабабли, Франциядан кейин Германия, Англия, Шотландия ва Европанинг бошқа бир қатор давлатларида ҳам ташкил этилган.

XVIII аср бошларига келиб, прокуратура институти Россия империясига кириб келган. 1722 йил 12 январда Россия императори Петр 1 томонидан Сенат қошида Россия прокуратураси ташкил этилган.

Россия империяси Туркистон ўлкасини босиб олиб, 1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилганидан сўнг, 1868 йилда “Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақида”ги Низом лойиҳаси тайёрланади.

Унда судлар қошида прокурор назорати институтини ташкил этиш назарда тутилган.

Мазкур Низом орадан 18 йил ўтиб, Россия ҳокимияти томонидан 1886 йилда тасдиқланган бўлсада, амалда унинг лойиҳаси қўлланилиб келинган ҳамда 1887 йил 1 январда кучга кирганидан сўнг Туркистон ўлкасида қонунларнинг бажарилиши устидан назорат олиб бориш билан шуғулланадиган махсус орган – прокуратура ва унда ишлаш учун прокурор унинг ёрдамчиси ва терговчи лавозимлари жорий қилинади.

1917 йил октябрь тўнтаришидан сўнг Чора Россияси ўрнига ҳокимият тепасига келган болшевиклар давлат қурилишининг бошида прокуратурага “инқилоб”га қадар бўлган давлатчилик тузумига мансуб институт сифатида қаралиб, уни ташкил этиш рад этилади.

Бироқ, орадан бир неча йил ўтиб, қонунлар ижроси устидан назоратни таъминловчи махсус органсиз, бепоён ва кўп миллатли ҳудудда қонунлар ижроси устидан назоратни таъминлашнинг имкони йўқлиги маълум бўлади.

1921 йилда ССРда прокуратура органларини ташкил этиш бўйича тегишли қарор қабул қилинмасдан туриб, Туркистон ўлкасига **Устабоев Дўст Мухаммедович** прокурор этиб тайинланади.

1922 йил май ойида СССРда биринчи марта “Прокурор назорати тўғрисида”ги Низом қабул қилинди.

Низомга асосан **дастлаб прокуратура** олдига корхона, муассаса ва ташкилотлар, фуқароларнинг ҳаракатлари қонунийлигини, суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятини назорат қилиш, судда давлат айбловини қўллаб-қувватлаш каби вазифалар юклатилган.

Бироқ, аччиқ бўлсада, тарихий ҳақиқатни тан олишимиз лозим бўлади!

Собиқ иттифокда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигини олдини олишда асосий эътибор жазони кучайтиришга қаратилиб, бу орқали халқни кўрқитиб бошқарилган десак муболаға бўлмайди.

Буни қуйидаги фактлардан кўришимиз мумкин.

Хусусан, 1935 йил 19 март куни СССР Мудафаа Халқ Комиссарининг (Ворошилов) Собиқ иттифокда вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятларнинг кескин кўпайиб кетганлиги ҳамда уларга нисбатан ўлим жазосини белгилаш тўғрисидаги таклиф хати (Сталин номига) юборилган.

Шундан сўнг ушбу таклиф кўриб чиқилиб, СССР Халқ Комиссарлари Кенгаши Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни тез фурсатларда камайитириш мақсадида илк маротаба 1935 йилнинг 7 апрелида “Вояга етмаганлар ўртасида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш чоралари тўғрида”ги қарори қабул қилинган.

Ушбу ҳужжат билан **12 ёш**даги вояга етмаган ўғирлик ёки қотиллик жиноятларини содир этган тақдирда унга нисбатан жиноят суди томонидан жиноий жазонинг ҳар қандай тури билан (хатто ўлим жазоси билан) жазоланиши белгилаб қўйилди.

Ёки, 18 ёшга тўлмасдан туриб, жиноят содир этган вояга етмаган шахслар отишга ҳукм қилинмаслиги белгиланган бўлсада, амалда ушбу тартибга риоя этилмаган.

Кўриниб турибдики, 20 аср ўрталарида собиқ иттифокда вояга етмаганлар жинояти учун ўта шавқатсиз жазолар тайинланган. Ушбу ҳолат бугунги кунда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамоилларига зид ҳисобланади.

Хусусан, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциянинг 37-моддасида бирорта ҳам бола қийноқларга ёки жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд кадр-қимматни камситадиган турларига дучор этилмаслиги, 18 ёшдан кичик бўлган шахсларга содир этган жинояти учун ўлим жазоси ёки умрбод қамоқ жазоси тайинланмаслиги лозимлиги белгиланган.

1936 йилнинг декабрь ойида қабул қилинган СССР Конституцияси ҳамда унинг асосида 1937 йилнинг февраль ойида қабул қилинган Ўзбекистон ССР Конституциясида, Конституциявий қонунчилик тарихида илк мартаба, қонунларнинг аниқ бажарилиши устида “**олий нazorat**” тушунчаси киритилиб, ушбу алоҳида ҳуқуқ СССР прокурорига берилади.

Иккинчи Жаҳон уруши йилларида прокуратура органлари ходимларининг фаолияти ҳам умумий вазифа – халқнинг фашизм устидан ғалаба қозонишига қаратилган.

Айниқса, жанг бўлаётган юртлардан эвакуация қилинган аҳолини жойлаштириш, етим қолган турли миллат вакиллари бўлган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда вояга етмаганлар назоратсизлиги ва қаровсизлигини олдини олиш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан саналган.

Шу тариқа уруш даврида катта ёшдаги аҳолининг фронт ва фронт орти ишларга жалб қилиниши ҳамда уруш бўлаётган ҳудудлардан вояга етмаганларнинг олиб келиниши табиийки прокуратура томонидан уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш **заруратини юзага келдирган**.

1977 йилнинг октябрь ойида СССР, 1978 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон ССРнинг янги Конституциялари қабул қилиниб, унда прокуратура органларига алоҳида боб бағишланиб, давлат органлари тизимидаги ўрни белгилаб берилади.

Мамалкатимиз мустақилликка эришгач, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан 1992 йил 8 январда “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тўғрисида”ги 313-сонли Фармонининг қабул қилиниши мустақил Ўзбекистон прокуратурасининг кейинги даври учун муҳим ўрин тутди.

Мазкур тарихий ҳужжат билан собиқ СССР қарамоғидаги Ўзбекистон ССР прокуратураси Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига айлантирилди.

1992 йилнинг 8 декабрида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниб, унда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга ошириши, шунингдек, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги аниқ белгилаб қўйилди.

1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон тарихида илк бор “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Дастлаб ушбу қонунга прокуратура органларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва профилактика қилиш ваколати киритилмаган.

2001 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасида прокуратура органларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш асосий вазифаси эканлиги аниқ белгилаб қўйилди.

Юқоридаги қисқача маълумотлардан кўриниб турибдики, прокуратура институтини ташкил этилиши ҳамда мамлакатимизда жорий этилиши узоқ ва мураккаб жараёнларни қамраб олган.

Вояга етмаганлар соҳасидаги долзарб вазифаларни прокуратура органларига юклатилиши тарихи эса, бир мунча кейинроқ, яъни прокуратура тизимининг назарий-ҳуқуқий асослари яратилиб, белгилаб берилган устувор вазифаларга қўшимча вазифа сифасида киритилган.

Жумладан, олим ва прокуратура соҳасининг йирик амалиётчиси, профессор В.Г.Бессарабов прокуратуранинг зарур императив ваколатларга эга, давлатда олий ҳокимият намоёндаси номидан фаолият кўрсатувчи ҳокимият органи эканлигини ҳамда прокуратура қонун ҳужжатларининг аниқ бажарилишини назорат қилиш орқали давлат ҳокимияти барча

тармоқларининг ваколатлари амалга оширилишини текширувчи механизм эканлигини таъкидлайди<sup>1</sup>

Шу жиҳатдан қаралганда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлашга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати прокуратура идораларининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Бизнинг фикримизча – вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси устидан **прокурор назорати** деганда прокуратура органлари томонидан турли сабабларга кўра, қаровсиз ва назоратсиз қолган болаларни аниқлаш, уларни ҳисобини юритиш, ҳуқуқларини амалга оширишга кўмаклашиш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олиш ҳамда профилактика қилишга қаратилган фаолияти тушунилади.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда прокурор назорати муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бу соҳада прокуратура органларининг асосий вазифалари белгилаб қўйилган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади<sup>2</sup>.

Маълумки, ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ёшларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш, ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш, ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва

<sup>1</sup> Бессарабов В.Г. Организация деятельности Российской прокуратуры (1996-2006). – Нальчик, 2006. С. 36.

<sup>2</sup> Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 30.04.2023 й. 143-модда.

шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш<sup>3</sup> Янги Ўзбекистон ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Ушбу мақсадларни рўёбга чиқариш ва амалга оширишда прокуратура органларининг фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жамиятимизда вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган жиноятларнинг асосий сабаблари ва соҳада прокурор назоратини кучайтиришга заруратни ошираётган омиллардан бири – бу уларнинг **назоратсизлиги** ҳисобланади.

Бу соҳада прокуратура биринчи навбатда вояга етмаганлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқишини таъминловчи, шунингдек, бу борадаги бузилган ҳуқуқларини тиклашда амалий ёрдам берувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органидир.

Чунки, прокуратура профилактика тизими органлари томонидан тегишли қонунларнинг бажарилишига, уларга тўғри риоя қилинишига масъул ҳисобланади.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси устидан **прокурор назорати хусусиятига** кўра, бошқа ташкилотлардан фарқли ўлароқ назоратнинг комплекс хусусиятга эга эканлигидадир, яъни соҳага оид барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси бевосита прокуратура органлари томонидан ўрганилади.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси устидан **прокурор назорати заруратини** айрим жиҳатларини 29.09.2010 йилда қабул қилинган “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунда кўриш мумкин.

Хусусан, Қонунга кўра:

**Биринчидан**, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғи ёки унинг ўринбосари вояга етмаганнинг ушбу марказга жойлаштирилганлиги тўғрисида мазкур марказ жойлашган ердаги **прокурорни** ва болалар масалалари

<sup>3</sup> “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” ЎРҚ-406-сон 5-модда. Тошкент ш., 2016 йил 14 сентябрь.



бўйича комиссияни зудлик билан, лекин 24 соатдан кечиктирмасдан **хабардор қилади**;

**Иккинчидан**, якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш учун асослардан бири сифатида болалар масалалари бўйича комиссиянинг, терговга кадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, **прокурорнинг** ёки ички ишлар органи бошлиғининг қарорида қайд этилган бўлиши белгиланган;

**Учинчидан**, ўзига нисбатан ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқиладиган вояга етмаган, **прокурор**, васийлик ва ҳомийлик органининг, ички ишлар органининг вакиллари **суд мажлисида иштирок этиши шарт**.

**Тўртинчидан**, судьянинг вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарган ажримни устидан судья мазкур ажримни чиқарган кундан эътиборан ўн кун ичида Қорақалпоғистон Республикаси судига, вилоят, Тошкент шаҳар судига вояга етмаган, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда адвокат томонидан шикоят берилиши ёки **прокурор** томонидан **протест билдирилиши мумкин**.

Шунингдек, мазкур Қонун соҳа билан шуғулланувчи тизим органлари ва муассасаларини аниқ белгилаш, улар фаолиятининг асосий вазифалари, принциплари ва йўналишларини тартибга солишга қаратилган.

Алоҳида эътибор талаб қилувчи вояга етмаганлар ва нотинч оилалар билан якка тартибдаги профилактика ишларини ташкил этиш ижтимоий хавфли ҳолатдаги вояга етмаганларнинг ҳуқуқий мақоми белгилаш ҳамда уларни педагогик реабилитация қилиш масалаларини ҳал этишга қаратилган<sup>4</sup>.

---

<sup>4</sup> Ганибаева Ш.К. “Ювенал юстиция: Халқаро стандартлар ва Ўзбекистонда қўллаш масалалари”. Ўқув амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Юристлар малакасини ошириш маркази 2022. – 12 б.

Прокурор назоратининг муҳим йўналишларидан бири – бу ички ишлар органлари томонидан вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонунчилик ижроси ҳисобланади.

Ўз вазифасини бажариш чоғида прокурор ички ишлар органлари томонидан ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилалар, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган, қаровсиз ёки назоратсиз қолган вояга етмаганларни ўз вақтида аниқлашнинг, улар билан профилактик ишларнинг қай даражада ташкил этилганлигини алоҳида назоратга олишлари керак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 139-сон буйруғининг 7.4-банди билан ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш бўйича бўлинмалари фаолитини назорат қилишда қуйидаги йўналишлар аниқ белгилаб қўйилган.

– вояга етмаганларнинг ички ишлар органларига келтирилиши, уларга нисбатан маъмурий таъсир чоралари кўрилиши, профилактик ҳисобга олиниши ва профилактик тадбирлар амалга оширишининг қонунийлиги **ҳар 6 ой**да бир маротаба ўрганилиши лозимлиги;

– судларда вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассаларига жойлаштириш масалалари муҳокамасида **прокурор иштирокининг мажбурийлиги**;

– вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассаларига қабул қилиш, жойлаштириш ва сақлаш шароитлари **ҳар ой**да текшириш лозимлиги белгилаб ўтилган.

Амалдаги қонунчиликка кўра, прокурорлар вояга етмаганларнинг махсус ўқув-тарбия муассаларига монеликсиз ва исталган вақтда ҳамма хоналар билан танишиш шарти билан киришга, вояга етмаганларнинг махсус

Ўқув-тарбия муассасаларида ноқонуний сақлаб турилган шахсларни дарҳол озод қилишга<sup>5</sup> ваколатлидир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Бессарабов В.Г. Организация деятельности Российской прокуратуры (1996-2006). – Нальчик, 2006. С. 36.
2. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 30.04.2023 й. 143-модда.
3. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” ЎРҚ-406-сон 5-модда. Тошкент ш., 2016 йил 14 сентябрь.
4. Ганибаева Ш.К. “Ювенал юстиция: Халқаро стандартлар ва Ўзбекистонда қўллаш масалалари”. Ўқув амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Юристлар малакасини ошириш маркази 2022. – 12 б.

---

<sup>5</sup> «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2001 йил 29 август, 257-II-сон. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168-модда; 29.11.2023 й., 03/23/880/0905-сон). <https://lex.uz/acts/106197>